

Саҳобаларнинг эътирофлари



11:00 / 10.01.2022 1720

У зот соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрганимда, албатта, у зотнинг юзлари каззобнинг юзи эмаслигини билдим.

Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу

У зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан олдин ҳам, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин ҳам у зотга ўхшаганини кўрмадим.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу

Сиз таваллуд топганингизда, ер юзи ёришиб кетди.

Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳу

Агар гапирсалар, тишлари орасидан нур порлаётгандек кўринар эди.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо

Ўтганлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшаган кишини
йўқотишмаган, у зотдек инсон қиёматга қадар ҳам йўқотилмас.

Ҳассон ибн Собит розияллоҳу анҳу

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади